

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқарилган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 240 (10.545)

2005 ЙИЛ 12 ДЕКАБРЬ

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни

Янгиликлар, воқеалар

Кўсқа
Бугун Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми жамғармаси ҳамда "Камолот" ЕИХ Марказий Кенгаши ҳамкорлигида ёшлар ўртасида уюштирилган "Келажак овози" курик-танловининг Фарғона вилояти босқичи катнашчилари Шайхонтохур туманига ташриф буюришди ва пойтахтнинг диққатга сазовор жойларини тамоша қилишди.

● БУГУН "Алгоритм" очик турдаги акциядорлик жамиятида Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси қабул қилинган кунга бағишлаб "Маънавият ва маърифат" марказининг Чилонзор туман бўлими томонидан ўтказилган давра суҳбати "Истиқлол, мадҳия ва миллий гурур" деб номланди.

● БУГУН Тошкент солиқ коллежида тумандаги ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари "Камолот" ЕИХ бошланғич ташкилотлар сардорлари иштирокида ўқув семинари бўлиб ўтди.

● МИРЗО Улугбек технология касб-хунар коллежида "Камолот" ЕИХ Мирзо Улугбек туман Кенгаши ташаббуси билан "Сиз қонунни биласизми?" мавзuida уюштирилган курик-танловда тумандаги ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўзаро беллашди.

● 202-МАКТАБДА «Наврў», «Хирмонтепа», «Кичик Хирмонтепа» маҳаллалари фаоллари, ёшлари ишларида «Маънавият ва маърифат» марказининг Чилонзор туман бўлими томонидан ўтказилган тадбир «Хуқуқ ва бурч» деб номланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

Халқимизда «Саломатлик — туман бойлик» деган нақл бор. Зеро, саломатлик инсон ҳаётидаги энг бебаҳо бойлик, улуг неъмат ҳисобланади. Шифокорларни бежиз нажот фаришталарига қийсламаймиз. Кўнгли ҳам оқ халатидек беғубор, мулоим чехрали, ширин сўз, қўли энгил шифокорлар беморлар дардига малҳам бўлиб, уларнинг таҳсини дуосига сазовор бўлишмоқда. Мана шундай машаққатли ва шарафли касб эгаларининг меҳнатлари бугунги кунда янада кадр топмоқда.



САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

Айтиш жоизки, мамлакатимизда тиббиёт тизимининг амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар аввало инсон манфаатлари, саломатлигини муҳофазат қилишга қаратилмоқда. Буни албатта Президентимиз томонидан ҳар бир йилга ном берилишидан ҳам яхши билиш мумкин. Жорий йилнинг Сихат-саломатлик йили, 2006 йилнинг эса Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб номланганлиги фикримизга ёрқин далилдир. Дарҳақиқат, 2006 йилнинг Ҳомийлар ва шифокорлар йили дея эълон қилиниши барча ҳамюртларимиз қатори тиббиёт ходимлари қалбига янада чексиз қувонч ҳада этди. Президентимиз Ислам Каримов Конституцияимизнинг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида «Шифокорлар ҳақида гапирар эканмиз, биз бу борада бошлаган ишларимизни изчил давом эттириб, соғлиқни сақлаш тизимининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, тиббиёт ходимлари учун муносиб меҳнат ва турмуш шaroитини яратиш, уларнинг меҳнатини рағбатлантириш масалаларига алоҳида аҳамият беришимиз даркор» деб таъкидлади. Ҳақиқатан ҳам Президентимизнинг «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш

тўғрисида»-ги яқинда чиққан Қарорини оқоридаги фикрларнинг исботи дейиш мумкин. Айтиш жоизки, аҳоли саломатлигини асраш масаласи давлатимиз сиёсатининг муҳим устувор вазифаларидан саналади. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда кўплаб замонавий шифоналар, поликлиникалар кадр ростилади. Кўплари қайта тавмирланиб, замонавий тиббий анжомлар билан жиҳозланди. Жумладан, Шайхонтохур туманидаги 57-оилавий поликлиника туманда энг намунали поликлиникалардан ҳисобланади. Бу ерда ўз касбига меҳр кўйган малакали шифокору ҳамширалар халқ саломатлигини сақлашда жонбозлик кўрсатишмоқда. Ҳозирда 20 мингдан ортиқ аҳолига намунали тиббий хизмат кўрсатаётган ушбу даргоҳда 54 нафар шифокор, 100 га яқин тажрибали ҳамширалар эл саломатлигини асрашда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишмоқда. Мазкур поликлиника оилавий шифокор тизимига ўтган бўлиб, шаҳар бўйича кам таъминланган оилалар, ноғиронлар физioterapia бўлимида ўз дардларига даво топишди. Ушбу бўлимида бир кунда 300 нафар беморга тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Шунингдек, поликлиникада рентген хона, флюорография, ЭКГ,

УЗИ хоналари мавжуд бўлиб, барча тор мутахассис шифокорлар аҳолига тиббий хизмат кўрсатмоқда. Сихат-саломатлик йилида поликлиника жамоаси энг аввало аҳоли саломатлигини патронаж қилиш, оилада тиббий маданиятни ошириш, репродуктив саломатлик, туғиш ёшидаги аёллар ҳамда ўсмир-ёшлар саломатлигини сақлашга катта эътибор қаратиб, бу борада маҳаллаларда, олий ўқув юртилари, мактаб ва коллежларда мунтазам равишда мутахассис-шифокорлар билан суҳбатлар ташкил этишмоқда. Халқ саломатлигини сақлашга бор билим ва тажрибасини аямай туну кун тиним билмай меҳнат қилаётган шифокору ҳамширалар шунингдек шахримиздаги шифона ва поликлиникаларда, сихатроҳларда жуда кўп. Уларнинг машаққатли меҳнатлари ҳукулатимиз ҳамда давлатимизнинг доимий эътиборида эканлиги албатта таҳсинга сазовордир. Уйлаймизки, мамлакатимизда олиб борилаётган мана шундай хайрли ва эзгу ишлар доимо бардавом бўлади.

СУРАТДА: /чапдан/ 57-оилавий поликлиника бош шифокор ўринбосари Меҳрибона Латипова, бош шифокор Муҳаббат Азизова, бўлим бошлиғи Зухра Абдусатторовалар иш устида.

XVI сароси

Барча малбалардан олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

- Ҳукумат қарорига биноан Қишлоқ ва сув хўжалиги ва Адлия вазирликлари, Бош прокуратура, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда декабрь-январь ойлари қишлоқ хўжалик кооперативлари /шираклар/ни фермер хўжаликларига айлантиришда қонунийлик, ошкоралик, ҳолисликни таъминлаш долзарб ойлари деб эълон қилинди.
- Тошкентда «Ўзбекистон Республикасида халқро тижорат арбитражи соҳасида қонунчиликни ривожлантириш» мавзuida анжуман ўтказилди.
- Самарқандда халқ таълими вазирлиги ва «Сен ёлғиз эмассан» болалар жамоатчилиги жамғармаси ҳамкорлигида «Юрагимни болаларга бағишлайман» шиори остида ўтказилаётган республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.
- Тошкентдаги Замонавий санъат марказида В.Нечаева, Р.Гаглоева ҳамда Д.Мурсалимоваларнинг «Тоғларда менинг қалбим» номили хялат кўрғазмаси ташкил этилди.
- «Мирзаўқуриулиш» акциядорлик жамиятининг давлат активлари Россиянинг «Силикат» МЧЖга топширилди. Россиялик ҳамкорлар сув хўжалиги қурилиши ҳамда темир-бетон буюмларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган акциядорлик жамиятига 315 минг АҚШ долларлиги маблағ киритди.

Жаҳонда

- Интерпол БМТ билан ҳамкорликда халқро терроризм ва «Ал-Қоида» ҳамда «Толибон» ҳаракатлари билан ҳамкорликда гумон қилинаётган қидирувдаги шахслар тўғрисидаги ахборотларни чоп этишни бошлади.
- Дэвид Камерон Буюк Британия консерватив партиясининг янги етакчиси этиб сайланди.
- Ливаннинг собиқ бош вазир Рафиқ Ҳаририйнинг ўлдирилишига оид иш бўйича БМТнинг бош терговчиси германиялик прокурор Детлев Мехлис мазкур текширув тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этгани заҳоти истеъфо беради.
- Машҳур миллиардер Аристотель Онассиснинг невараси ва яққало янага меросхўри 18 ёшли Афина Руссель от спорти бўйича Олимпиада чемпиони бразилиялик Альваро Афонсо де Мирандага турмушга чиқди.

Обуна — 2006

ДИЛКАШ СУҲАТДОШИНГИЗ БИЛАН БИРГА БЎЛИНГ У ҲАР ҲАФТАДА БЕШ МАРОТАБА ХОНАДОНИНГИЗГА КИРИБ БОРАДИ

Азиз оқшомхон! Шу кунларда мамлакатимизнинг барча алоқа бўлимида газета ва журналларга обуна ишлари давом этмоқда. Жумладан, Сиз севиб мутолаа қиладиган «Тошкент оқшоми» газетасига ҳам 2006 йил учун обунани расмийлаштиришингиз мумкин.

Албатта, қарс икки қўлдан чиқади. Қайсики нашр мазмундор ва қизиқарли мақолалар билан ўқувчига манзур бўлса, унинг муштарийлари ҳам ўз-ўзидан ортиб боради. Мана шу ниятда барча нашрлар

қатори бизнинг «Оқшом» таҳририяти аъзолари ҳам ўз ихлосмандларининг тақлиф ва истақларидан келиб чиқиб, келгуси йилда газетани янада ўқимшироқ қилиш мақсадида бир қатор режаларни белгилаб қўйди. «Оқшом» газеталари 2006 йилдан бошлаб янги-янги рухлар остида ранг-баранг мавзудаги мақолаларни ўз саҳифаларида ёритиб боради. Шундай экан, Сизга ҳар доим энг яқин ҳамдам, ҳамфилр ва маслаҳаттўғи бўлиб келган севибли нашрингизга обуна бўлишга шо-



шилинг. Шундагина янги йилнинг биринчи кунидан бошлаб «Оқшом» хонадонингизга ўзи кириб боради. Бизнинг нашр кўрсаткичимиз — 563. Йиллик нашр баҳоси 30.780 сўм қилиб белгиланган.

Фармон ва ижро

Кайд қилинган Фармон талабларидан келиб чиққан ҳолда шу кунга қадар шаҳар ҳамда туман комиссияларининг янги таркиблари, уларнинг мақсад ва асосий вазифаларини ифода этувчи биринчи галдаги чора-тадбирларнинг намунавий дастури ҳам тасдиқланган.

Ушбу дастурлар асосида шаҳар ва ҳар бир туман кесимида тадбиркорлик субъектларини текшириш режа-жадвалдан қайта кўриб чиқилиб, жорий йилнинг тўртинчи чорагида текширилиши лозим бўлган ҳужжалик субъектлари рўйхати таҳлилдан ўтказилган. Республика Кенгаши билан келишилган ҳолда ҳисобот давридаги текширувлар ҳажми 39 фоизга қисқартирилган, яъни 888 та субъект жорий чорак учун белгиланган режа-жадвалдан чиқарилган. Янги меъёрлар талабларига мувофиқ текширувлардан ҳалос этилган ҳужжалик субъектларининг асосий қисмини эндиликда тўрт йилда бир марта текширилиши мумкин бўлган кичик корхона ва микрофирмалар ташкил қилди.

Бундан ташқари, 2006 йилда 2785 та ҳужжалик субъектини режали текширувга киритиш кўзда тутилган, бу эса жорий йилга белгиланган текширув сонининг учдан бир қисмига тенгдир. Текширувлар ҳажмининг бундай кескин қисқартирилиши, шубҳасиз, юқорида кўрсатиб ўтилган Фармон талабларига мувофиқ амалга оширилди.

Аммо, Тошкент шаҳар ҳокими Абдуқаҳҳор Тўхтаев таъкидлаб ўтганидек, ушбу рўйхат яна бир бор таҳлил қилиниб, текширувлар тизимини тубдан ўзгартиришга доир Фармон мезонларга тўлиқ жавоб берилишига эришилади ва бу борада назорат органлари мансабдор шахсларнинг ҳар бир субъектини асосли равишда текширувга киритилаётгани учун масъулияти кучайтирилади.

Бугунги кунда пойтахтда 34,573 та тадбиркорлик субъекти рўйхатга олинган бўлса, шундан 22,952 таси - микрофирмалар ва 6,110 таси - кичик корхоналар ҳисобланади. Жорий этилган янги қоидаларга асосан ушбу субъектларнинг асосий қисми ўзб мuddатга текширувлардан озод қилинмоқда. Бундан ташқари, янги ташкил этилаётган субъектларда рўйхатдан ўтгунга қадар икки йил давомида тек-

ширувлар олиб борилмайди. Бу дегани янги меърий ҳужжатларнинг фақат амалий таътиб этилиши ҳисобига тадбиркорликнинг муваффақиятли ривожланишини ва умуман иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлаш мумкин бўлади.

Янги Фармоннинг аҳамияти ва нақадар долзарб эканлигини бевосита унинг иштирокчилари — тадбиркорлик субъектларига етказиш мақсадида жойлардаги ҳудудий комиссиялар томонидан жорий йилнинг октябрь-ноябрь ойларида 9300 дан зиёд тад-

ширувларни қисқартиришга оид Фармоннинг аҳамиятини омма орасида кенг тушунтиришга йўналтирилган тадбирлар юзасидан ахборот берди. Хусусан, пойтахтимиздаги 6 та йirik бозор ҳудудидида «Ишонч қутилари» ва шаҳарнинг барча гавжум жойларида «Ишонч телефонлари» кўрсатилган паннолар ўрнатилган.

Игиллишида Фармон ижроси бўйича Шайхонтохур тумани ҳокими Адҳам Жумабоев, Мирзо Улугбек тумани ҳокими Шухрат Эргашев, Юнусобод тумани ҳокими Қобил Фармонов, назорат органлари раҳбарлари — шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош врачлари Бобур Қурбонов ва шаҳар ИИББ Ёнги хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи Тўлқин Йўлдошевнинг ҳисоботлари тингланди. Шулардан келиб чиққан ҳолда игиллишида Фармон талабларининг таътиб этилиши жараёнлари, афсуски, талабга тўлиқ жавоб бермаслиғи кўрсатиб ўтилди. Ушбу масала юзасидан сўзга чиққан Ўзбекистон Президентини Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Умар Исмоилов янги меърий ҳужжатнинг асл моҳиятини ақс эт-

тирувчи амалий ишларни жонлан-тириш кераклиги, ҳужжалик субъектларидида текширувларни шунчаки қисқартириш эмас, балки биринчи навбатда ноқонуний текширувларга йўл қўйилмаслигини кўзлаётган Фармоннинг ҳаётга таътиб этилишида ҳудудий комиссиялар ва назорат органлари томонидан амалий ҳаракатлар зарурлигини таъкидлаб, бу йўналишида барча ишлар, шу жумладан тушунтириш ишлари ҳам рақамлар билан эмас, балки натижаси ва самардорлиғи билан таърифланши лозимлигига ҳам ургу бериб ўтди. Иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қилинаётган ишларнинг кўзгуси вазифасини бажаришга қодир жамоатчилик фикридан умумий фойдаланиш учун жамоатчилик кенгаши ҳам ўз ваколатларидан келиб чиққан ҳолда айнан шу мақсадларни рўйбга чиқариши лозим дея таъкидланди. Игиллишида шунингдек, назорат органлари давлат назорати тўғрисидаги қонунийлик талабларига қатъий риоя этиш борасида масъулиятини кучайтириши зарурлигига ҳам эътибор қаратилди.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

ВАҚТ АМАЛИЙ ҲАРАКАТЛАРНИ ТАҚОЗО ЭТМОҚДА

Кейинги пайтда мамлакатимизда иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва тадбиркорлик ҳаракатини ривожлантириш борасида қабул қилинган бир қатор янги меърий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси, шубҳасиз, амалий ҳаракатларни назарда тутди. Лекин бу масалага Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг Тошкент шаҳар ҳудудий комиссияси томонидан яна бир бор эътибор кучайтирилиши, қолаверса қарор қабул қилинишига ҳам ўзига яраша сабаблар асос бўлди, албатта. Хусусан, шаҳар комиссиясининг навбатдаги игиллиши кун тартибига киритилган асосий масала - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонни талаблари ижроси юзасидан айрим назорат органлари ҳамда туман ҳудудий комиссияларининг ҳисоботлари асосида ўтказилган таҳлил ҳам шундай хулоса чиқаришга туртки бўлди.

биркорлик фаолияти билан шуғулланувчилар иштирокида 24 та семинар ўтказилган, бу борада тушунтириш ишлари оммавий ахборот воситалари орқали ҳам фаол олиб борилган. Ҳудудий комиссиялар йигилишлари даражасида тадбиркорларнинг эътироз ва тақлифларини кўриб чиқиш таъмоили ҳам таътиб этилаётди.

Ўз навбатида, ички фармойишлар асосида ҳар бир назорат органи томонидан мутахассисларга ҳужжалик субъектларини текшириш ҳуқуқини берувчи аттестация ишлари олиб борилган. Назорат органлари амалиётида биринчи марта ҳудудий комиссиялар қошида жамоатчилик кенгаши ташкил этилиб, уларга тадбиркорлик субъектлари ўртасида сўровномалар ўтказиш, текширувлар жараёни билан қизиқиш, шаҳар ҳамда туман ҳудудий комиссиялар йигилишлари кун тартибига тегишли масалаларни киритиш, умуман олганда тадбиркорлар манфаати йўлида барча ваколатлар берилган.

Шаҳар ҳудудий комиссияси қошидаги жамоатчилик кенгашини бошқараётган шаҳар Савдо-саноат палатаси раиси Садриддин Ҳакимов янги тузилманинг ишига тўхталиб ўтиб, тек-

тирувчи амалий ишларни жонлан-тириш кераклиги, ҳужжалик субъектларидида текширувларни шунчаки қисқартириш эмас, балки биринчи навбатда ноқонуний текширувларга йўл қўйилмаслигини кўзлаётган Фармоннинг ҳаётга таътиб этилишида ҳудудий комиссиялар ва назорат органлари томонидан амалий ҳаракатлар зарурлигини таъкидлаб, бу йўналишида барча ишлар, шу жумладан тушунтириш ишлари ҳам рақамлар билан эмас, балки натижаси ва самардорлиғи билан таърифланши лозимлигига ҳам ургу бериб ўтди. Иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қилинаётган ишларнинг кўзгуси вазифасини бажаришга қодир жамоатчилик фикридан умумий фойдаланиш учун жамоатчилик кенгаши ҳам ўз ваколатларидан келиб чиққан ҳолда айнан шу мақсадларни рўйбга чиқариши лозим дея таъкидланди. Игиллишида шунингдек, назорат органлари давлат назорати тўғрисидаги қонунийлик талабларига қатъий риоя этиш борасида масъулиятини кучайтириши зарурлигига ҳам эътибор қаратилди.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

«ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ»НИНГ БРЮССЕЛДАГИ АКС-САДОСИ

Брюсселдаги Муסיқа асбоблари музейида 2005 йил август ойида Самарқандда бўлиб ўтган «Шарқ тароналари» беинчи халқаро муסיқа фестивали мавзусига бағишланган тақдимот бўлиб ўтди. У Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллиги байрамига бағишланди.

Тақдимотда Бельгиянинг сиёсий, маданий, академик ва ишбилармон доиралари, ушбу мамлакатда аккредитациядан ўтган дипломатия ваколатхоналари, халқаро ташкилотлар ҳамда ОАВ вакиллари қатнашди.

Брюссель Муסיқа асбоблари музейи 1887 йили ташкил топган бўлиб, у маҳаллий аҳоли ва шаҳар меҳмонлари билан ҳамisha гавжум. Унда дунё халқларининг 5 мингдан зиёд муסיқа асбоблари жамланган.

Тадбирда Бельгиянинг Кириллик тарих ва санъат музейларининг бош директори А.Каен-Делей хоним Европа маданий марказларидан бири - Брюсселда «Шарқ тароналари» тақдимоти ўтказилиши Ўзбеки-

стоннинг нақадар улкан маданий салоҳиятга эга эканидан далолат беришини таъкидлади.

Жорий йили мамлакатимизда ўтказилган халқаро муסיқа анжуманида Бельгиянинг «Заман» гуруҳи ҳам қатнашган эди. Гуруҳ раҳбари Н.Хаузер тадбирда сўзга чиқиб, ўзининг Самарқанд ташрифи таассуротлари билан ўртоқлашди. У Самарқанд анжумани юксак савияда ташкил этилганини алоҳида таъкидлади. «Бу борада европаларки Ўзбекистондан кўп нарсани ўрганас арзийди», деди А.Каен-Делей хоним.

Тақдимот маросимида Ўзбекистоннинг Бельгиядаги элчиси В.Норов сўзга чиқиб, мамлакатимиз ҳаётининг турли соҳаларида ўтказилаётган улкан

ўзгаришлар, ўзбек халқининг бой маънавий ва маданий меросини асраш юзасидан юртимизда олиб борилётган кенг қўламли ишлар ҳусусида атрафчилик тўхтади.


Маросим меҳмонлари Регионалда бўлиб ўтган «Шарқ тароналари» фестивалининг очил-тиш маросими тўғрисидаги ҳужжатли фильмини катта қизиқиш билан томоша қилдилар. «Заман» гуруҳи вакиллари рубоб ва доира ёрдамида ўзбек оҳанглари билан иборат маданий дастурни маҳорат билан ижро этгани тўпаланганларда катта таассурот қолдирди.

Фестивалда иштирок этган Европа ҳамжамиятлари тадқиқот ва технологиялар масалари бўйича комиссияси бош

директоратининг вакили М.Геновезенинг фикрича, «Шарқ тароналари» европаларкага ўзбек халқининг цивилизациялараро, мулоқотни ривожлантиришдаги маданий ва тарихий аҳамиятини чуқурроқ аңлаш имконини беради. «Мазкур фестивалнинг Европада тарғиб қилиниши Ўзбекистон билан Европа иттифоқи халқлари ўртасидаги маданий, илмий ва таълим соҳасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади», деди М.Геновезе.

Тадбир чоғи уста Баҳодир Ҳакимжонов ясаган муסיқа асбоби - най мазкур музейга ҳадя этилди. Тухфани қабул қилар экан, музей бош директори А.Каен-Делей бу асбоб музей тўпламидаги Марказий Осиёдан келтирилган илк экспонат эканини таъкидлади. У музейнинг ўзбек чоғу асбоблари билан янада бойитиш мақсадида келаси йили Ўзбекистонга маҳсул сафар уюштириш режалаштирилаётганини айтди.

Жамшид МУТАЛОВ, «Жаҳон» АА мухбири Брюссель



Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

● Россия жорий йил охирига қадар 3-3,5 миллиард АҚШ долларилек ташиқ қарзларини мuddатидан илгари қайтармоқчи. Мазкур маблағ биринчи навбатда Қувайтга, Бирлашган Араб Амирликларига ва собиқ Югославия давлатларига қайтарилади. Россия шунингдек, Париж клубига 2005 йилда собиқ иттифоқ давридан қолган қарзларининг 12 миллиард долларини қайтаришни ҳам режалаштирапти.

● Буюк Британия Бош вазир Тони Блэр ўзининг Шарқий Европа давлатларига сафари давомида Европа Иттифоқи бюджетидан мазкур давлатларга ажратиладиган субсидиялар ҳажмининг қисқартириш таътибуси билан чиқди. Бироқ кузатувчиларнинг билдиришларича, Европа Иттифоқи миқёсидаги бундай молиявий ислохотни кўпчилик қўлаб-қувватлашмаслиқи аниқ.

● Украина Президенти Владимир Юшенко Кримда парранда гриппи тарқалиб кетишининг олдини ололмаганликда, яъни ўз соҳасида йўл қўйган камчиликлар учун мамлакатнинг бош ветеринар врачини истеъфого чиқарди.

● Японияда мамлакатнинг етакчи Либерал-демократик партияси ўзининг 50 йиллигини кенг нишонламоқда. Ярим асрлик юбилейига партия мамлакатга энг муҳим жиҳати янгиланган Конституцияни тақдим этди. Таъкидлаш жоизки, ЛДП Япониянинг ўзини ўзи мудофаа қилиш кучларини тўлақонли армияга алмаштиришни Конституцияга киритиш тақлифи билан чиқди.

● Ўзбекистон сур ва қора рангли қоракўл терининг 10 минг дана энг яхши намуналарини саралаб, Дания пойтахти Копенгаген шаҳрида ўтказилаётган беш кунлик халқаро теримўйналар ким оғди савдосида иштирок этмоқда.

● Лондонда замонавий санъат соҳасида ҳар йили анъанавий тарзда топшириладиган Тернер мукофотининг соҳибни аниқланди. 2005 йилда 25 минг фунт стерлинг /43 минг АҚШ доллар атрофида/ миқдоридидаги мукофот пулини Саймон Стэрлинг «Сарой-қайиқ-сарой» лойиҳаси учун олди. Гап шундаки, Стэрлинг Рейн дарёси бўйида жойлашган ёғочдан қурилган эски саройни бузиш, унинг бўлақларидан қайиқ ясади ва унда дарё бўйлаб бир неча километр масофага сузишга муваффақ бўлди. Сўнг қайиқни бузиб, ундан яна сарой бунёд этди.

● 18 ёшли Мария Шаранова ушбу мавсумда россиялик спортчилар ичида энг кўп маблағ ишлаганлиги билан эл озғига тушди. Машҳур теннисчи 14,5 миллион доллар соҳибасига айланди.

ДАВРА СУХБАТИ

Тошкентдаги Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганлигининг 13 йиллиги ҳамда Халқаро инсон ҳуқуқлари кунига бағишланган «Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари: ютуқлар, муаммолар ва истиқбол» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Мазкур институт директори вазифасини бажарувчи Ф.Абдукаримов, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А.Саидов, Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари С.Хужаева ва бошқалар мустақиллик мамлакатимизда янги демократик кадриятлар, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эрки қадр топишига йўл очганини таъкидлади.

Барча фуқароларнинг қонун олдида ҳуқуқий тенглиги ҳамда қонуннинг ҳамма нарсадан устунлигини кафолатловчи Асосий Қонунимиз Конституция яратилди. Унда Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳақ ва эркиликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар қонун олдида тенглиги белгилаб берилди.

Тадбирда хотин-қизлар ҳуқуқи, инсон ҳуқуқлари ҳақидаги таълимни кенгайтириш ҳамда жиноят процессида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиши янгида такомиллаштиришга оид маърузалар тингланди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА муҳбири

Биз ҳаммамиз—истеъмолчимиз. Кундалик турмушда, савдо дўконларига кирганимизда ҳам, жамоат транспортига чиқганимизда ҳам, умуман, моддий эҳтиёжларимизни қондирганимизда истеъмолчи ҳуқуқларидан фойдаланамиз. Истеъмолчи ҳуқуқларининг устуворлиги энг Асосий Қонунимиз—Конституциямизда ўз ифодасини топади.

Истеъмолчилар ҳуқуқлари

қонун ҳимоясида

ДОЛЗАРБ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган семинар ҳам «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунчилик истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг гаровидир» мавзусига бағишланди.

Ушбу тадбир Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ва Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси билан ҳамкорликда уюштирилди. Анжуманда Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) котибияти раҳбари Маъруф Усмонов, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш федерацияси раиси вазифасини бажарувчи Рустам Ҳакимов, Касб-хунар маркази бошқармаси бошлиғи, тарих фанлари доктори, профессор Абдуғаффор Қирғизбоев, юридик фанлари доктори, профессор Омон Оқилевларнинг инсон ҳақ-ҳуқуқларининг Конституцияда муҳофаза қилиниши хусусидаги маърузалари тингланди.

Йиғилишда таъкидланганидек, давлатнинг тегишли назорат идоралари томонидан истеъмолчилар ҳуқуқларини қонунчилик тарзда бузаётган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан

қўлланилаётган чора-тадбирларга қарамадан бундай ҳоллар ҳамон учраб турибди, ҳар бир фуқаро, айниқса, ўсиб-ўлғаяётган ёш авлод вакиллари ўз ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза этиш малакасига эга эмаслиги эса ачинарлидир. Бинобарин, Конституциямизнинг 13-моддасига кўра инсоннинг ҳуқуқий манфаатлари, эркинлиги, шаъни, қадриқиммати олий қадрият ҳисобланади. Юқорида қайд этилган фикрларни мантиқий, асосли далиллар билан тўлдирши мақсадида суз олган Федерация раиси вазифасини бажарувчи Рустам Ҳакимов ўз маърузасида қонунчилик ҳужжатларини чуқур ўрганиш, уларни пухта тарзда амалий ижросини таъминлаш зарурати туғилаётганлигини таъкидлади.

Йиғилиш якунида қилиб берилган 2006 йилдан бошлаб касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар талабалари ўртасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги мавжуд қонунчилик бўйича кўрик-танловини ташкил этиш ва унинг республика босқинчи 15 март—Халқаро истеъмолчилар кунига ўтказишга қилиб берилди.

Хидирали ПАНЖИЕВ

Муҳофиза, муҳофиза

КЎНГИЛДАГИ ГАПЛАР

ВАЪДАГА ВАФО МАРДНИНГ ИШИ

Зарурат тўғрисида яқин бир дўстимникига қарз сўрагани бордим. Хайрият, у уйда экан. Хол-аҳвол сўрашгандан сўнг анчагача кўнгилдаги гапни айтишга ботинмай турдим. Биласиз, қарз сўраганининг бир юзи, бермаганининг икки юзи қора дейишади. Ниҳоят иймана-иймана мудоага ўтдим.

— Яхши, бераман, — деди дўстим, лекин бир шарт билан. Фақат қарзни қачон қайтаришинг, қачон ва қанча пул олганлигинг ҳақида тилхат ёзиб берасан.

Бу ишончсизликдан бироз кўнглим ранжигандек бўлса-да, унинг таклифига розилик билдирдим.

— Хафа бўлма, мен сенга ишонаман. Бу фақат расмийчилик учун. Аҳмадни танийсан. Ха, ўша биз билан ўқиган. Бундан уч йил олдин остонамга бош уриб, қарз сўраб келди. Бир ҳафтадан кейин қайтараман, деди. Мен ишондим, сўраганини олиб чиқиб бердим. Орадан ойлар, йил ўтди. Ундан дарақ бўлмади. Бу орада уни ўзим қидириб, уч-тўрт бор уйига бердим. Ана-мана деб гаплашди. Охири қистайверганимдан кейин «Мен сендан ҳеч нима олмаганман» деб туриб олди. Яхши гапириб, ялиниб-ёлвордим. Мактабдош дўстлигимизни ўртага солидим. Йўқ, бўлмади. У ўз сўзида қатъий турди. «Менга тўхтаб қиялсан. Рост бўлса ҳужжатингни кўрсат, исботла» деди. Унинг бу қадар юзсизлигидан лолу хайрон бўлиб қолдим.

Ушанга ҳам мана уч йил бўлдики, мен сўрашни, у тонишни қўймайди. Мана шунақа гаплар оғайни. Аччиқ қалампирни чайнаган одам, кейин уни ўйлашиб оғзига солади.

Бу гап мени анча ўйлантириб қўйди. Қаранг, биров сенга зарур вақтда ёрдам қилини чўзиб ҳождатингни чиқарсаю, сен эса ваъдани унутиб «қонунийлаштирмагансан, асосинг йўқ» деб ғиромлик, рибкорлик қилиб туриб олсанг. Ваъдага вафо қилмаслик — йимонсизлик бўлса. Сенга яхшилик қилган дўстга хиёнат қилиш макорлик, мунофиқликдир.

Машина бу ерга келишдан олдин аслида бошқа бир таниш пулдор кишига учрашиб, ундан қарз сўрагандим. У йўқ демади, қайтанга мени хурсанд бўлиб қутиб олди. Лекин у устама фойда эвазига қарз беришини билганимдан сўнг фикримдан қайтдим.

«Устамаси қанча бўлади», деб сўрасам, юз фоизлигини айтди. Лекин айтилган фурсатда қарз қайтарилмаса бу миқдор кундан кунга ошиб боришини ўқтирдим. Албатта мен бунга розилик бермадим. Этакни қоқиб ўринимдан турдим.

— Иштирингиз, — деди у жилмайиб, — ҳозир ҳеч қачон ҳеч ким сизга беркорга қарз бермайди. Шундай экан, овра борлиги бошқа эшикларни қоқиб юрманг, мушук текинга офтобга чикмайди.

Ана бунақасидан Худо асрасин. Лекин минг афсуски, шу йўл билан тирикчилик қиладиган судҳурлар ҳали ҳам бор ораимизда. Уларнинг охириати ҳақидаги гапларни Яратганининг ўзига ҳавола этиб, мақсадга қайтайлик.

Бир қор-хайримга яратаман деб, йиллаб йиғиб-терган пул ҳамма учун бирдек зарур. Лекин бор бўла туриб муҳтожликдан қарз сўраб келган яқин қадридонингга бермаслик ҳар қалай одаммилқидан эмас. Бундай яхшиликни унутиш эса бориб турган юзсизлик, тузликча тупуриш билан баробар. Шуларни ўйлаб бировга чўв тушиб туриб, яна менинг ҳождатини чиқаришга тайёр турган дўстимга бўлган меҳрим ортиб кетди. Унинг барча шартларини бажардим, ваъдага вафо марднинг иши.

СОДИҚ ҚОСИМОВ

ДИЛИМ РАНЖИДИ

Албатта бу саволга биров шарт, биров шарт эмас, деб жавоб бериши табиий. Майли бу ҳақда ҳаммамнинг ихтиёри ўзида. Лекин эинҳор-базинҳор туғилган кун қадр-қимматини фақат совға-салом билан ўлчамаслик керак. Айтадиларку, «Топган гул келтирур, топмаган бир боғ пийёз» деб. Афсуски бу нақл биздан тобора узоқлашиб бораётгандек кўринади. Чунки туғилган кунларнинг /майли кутлуг ёшда нишонлаш бундан мустасно/ дабдабали тантаналарга айланиб бораётганлиги, «юбилар»га қимматбахо совға-саломлар тақдим этилаётганлиги ўйлаимизки, юқоридаги фикримизнинг далили бўла олади.

Мана яна бир мисол. Мактабдош дўстим Салимжон билан факултетада автобусда учрашиб қолдик. — Топишган жойимизни қара-я, — деди у мен билан сўрашиб. — Боримсан? Қаерларда юрибсан?

Қизгин суҳбатимиз узоқ чўзилмади. Чунки унинг тушадиган бекати ақинлашиб қолганди.

— Энди бундай, — деди Салимжон гапга нуқта қўйиб. — Шанба кунини келинни олиб бизникига келасан. «Маликаи дилором»нинг туғилган кунлари. Шунга 3-4 та яқинларни таклиф этганмиз. Мириқиб суҳбатлашамиз.

Учрашишга шартлашиб хайрлашдик. Белгиланган кунни хотиним билан «Чилонзор қайдасан» деб шифокор дўстимникига йўл олдик.

Эшикни ясан-тусан қилиб олган Лобархон очди.

— Вой келинлар, — деди у бизни истамайгина қаршиларкан. — Салим ака, қаранг, ким келди.

Остонада кўринган кўринди. Салом-алиқдан сўнг Лобархон хотиним тутган бир кийимлик атлас совғани қабул қила туриб бидирлай кетди:

— Вой, Раънохон овра бўлиб нима қилардиз. Атлас қўйлақларим шундоғам кўп-ку.

Бу гапдан кўнглимиз зил кетди. Лобархон эрига маъноли тикилди. Рафиқасининг шартқилигидан Салимжон ноқулай ҳолатга тушди.

Ниҳоят катта зални тўлдириб ўтирган меҳмонлар қаторидан жой олдик. Таънишудан сўнг зўр-базўр бўлсада, унча-мунча ҳазил-мутойба қилиб ўтирдик. Лекин негадир кечанинг «тантанали қисми»ни бошлаш ҳақида ҳеч ким чўрқ этмади. Назаримда кечага энг улуг меҳмон ташриф буюрмаган эди. Давра тўридаги бўш турган икки ўриндик шундан далолат беради. Бунинг устига эшик «тиқ» этса Лобархон ҳаммамнинг гашига тегиб «Ана келдилар» дея ташқарига югурарди.

Даврадан файз кўтарилма бошлади. Хар ким ўз хаёли билан банд бўлиб ўтирганда эшик кўнгириги уста-уст хиринглади. Баъзилар чўчиб тушди.


— Каримжон акам, — деб юборди қувончдан ял-ял ёнган Лобархон эшик томон ошқаркан.

Остонада кўринган ҳурматли меҳмон: «Уэр, уэр, кўрганимиз кўришганимиз энди», дея ортиқча тақаллуф кутмай юқоридаги жойга пилдираб борди.

— Ха, айтуқчи Салимжон, — деди у жойлашиб олган, — ука, энди иш бўлмаса манави калитни ол, машинанинг юқонасида иккита гилам бор эди. Шунга олиб чиқкин. Енидаги биллур идишлар ҳам сизларга аталган.

Оқ сариқдан келган беҳўшор семиз бу одамни ўй эгалари нима учун шунчалар зор-интизор кутганилари сабабини кейин тушундим. Инсон қадр-қимматини у келтирган совғаси билан ўлчайдиган бу оиладан дилим ранжиди.

Ҳасан АЗИЗОВ



— Кеча нима воқеа бўлганини айтиб берайми?

Наталья Семёнова олган сурат.

ЧЎЛДА — ПОЙТАХТЛИКЛАР ТОМОРҚАСИ

Бугунги кунда аҳолининг экологик тоза, хуштар ва сифатли маҳсулотларга бўлган талаби ортиб бораётир. Айниқса, шаҳарлик истеъмолчиларнинг бевосита даланинг ўзидан келтирилган сархил ноз-неъматларга эҳтиёжи катта.

Эндилқда шаҳарликлар бу маҳсулотларни фақат сотиб олишга эмас, балки ўзлари етиштириш имкониятига ҳам эга бўлмоқда. Шу мақсадда Жиззах вилоят ҳокимлиги томонидан Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани вакилларига ҳақдорлик қилиш учун минг гектардан зиёд ер ажратиладиган бўлди. Узаро келишувга мувофиқ, шаҳарликлар Жиззах ва Зар-

бдор туманлари ҳудудидаги ушбу майдонларда ўз эҳтиёжлари учун сабзавот, полиз, мева ва бошқа маҳсулотлар етиштирадди.

Айни пайтда икки томонлама шартнома ва тегишли ҳужжатлар тайёрланиб, ер участкалари белгиланмоқда.

Тошкул БЕКНАЗАРОВ,
ЎЗА муҳбири

Уша кунлар ёдимда. «Оқшом»нинг биринчи сони чиқадиган кун кечкурун газета дўконларининг олди муштарийлар билан гавжум бўлиб кетганди. Эски Жўвадаги газета дўконларидан бирида мен ҳам навбатда туриб «Оқшом»ни харид қилганман. Уша газета эсдалик сифатида хали ҳамон архивимда сақланади. Дўконга маълум миқдорда газета келган экан шекилли, у кимларгадир етди, кимларга етмади.

Интиқлик билан газетанинг биринчи бетига кўз югуртирдим, унда «Оқшом» дунё юзини кўриши муносабати билан шахримизнинг бир қатор илгор кишилари, фан, маданият, санъат арбобларининг табриклари эълон қилинганди. Уларнинг бирида жумладан шундай дейилади: «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг саҳифалари кўхна шахримиздек доно ва навқирон, ёрқин ва нурафшон бўлсин. Ушбу газеталар мард шаҳарнинг энг сеvimли наслари бўлиб қолишига, у ўз саҳифалари орқали пойтахт нуруни серкўш республикамизнинг ҳамма бурчакларига доимо таратиб туришига ишончимиз комил».

«Оқшом»чиларнинг биринчи авлоддан тортиб, то хозирги издошларигача доимо мана шу сўзларга садоқат билан ёндошиб унга амал қилиб келмоқдалар, десам хато қилмаган бўламан. Сабаби мана салкам қирқ йилдирки газета ҳамон ўқувчиларнинг сеvimли наши бўлиб келмоқда.

Ушанда зилзила мавзуси бош мавзуга айланган. Шоир ва ёзувчилар, умуман адабиёт аҳлининг диққат-эътибори ҳам баҳамжиҳат халқнинг шу мардонаворлик фазилатига қаратилди. Уша кезлари тезкорлик билан яратилган қанча-қанча публицистик мақолалар, давр қаҳрамонлари ҳақидаги очерклар, қисса, ҳикоя, баллада ва достонларнинг кўпчилиги хали-ҳамон оғиздан оғизга кўчиб юради. Хозирги овоз ва обод юртининг болаларига ота-боболари кўрсатган жасоратлари уларнинг юртга бўлган фидойилигидан дарак беради. Эсимда, ушанда айниқса ўзбекнинг сеvimли шоири Эркин Хошодовнинг «Палаткада ёзилган достони» қўлма-қўл бўлиб кетганди.

Тошкентнинг «Оқшом» газеталари эса бу воқеаларни изчил ёритар, шахримизда олиб борилаётган барча бунёдкорлик ишларидан ўз ўқувчиларини хабардор қилиб турарди. Айниқса шу кезларда газета матбуотнинг илгор жанри бўлган репортаж ва лавҳаларга кенг ўрин берганди. Тошкентнинг барча жойларида амалга оширилаётган курилушлар, фойдаланишга топширилган бинолар, шаҳарга келаётган ёрдамлар, янгидан-янги пайдо бўлаётган даҳа ва мавзелар, бу ерда олиб борилаётган ободончилик ишлари газета муҳбирларининг назаридан четда қолмасди. Шу билан бирга газета танқидий мақола ва фельетон жанрига ҳам кенг ўрин берганди. Бу мавзуларда даврнинг муаммолари, юз бераётган камчилик, хайри ишдан четда қолаётган баъзи ташкилот ва шахслар кескин танқид остига олинарди.

Газетанинг кун ва ой сайин мавзу доираси кенгайиб борди. Бу хоҳ адабиёт ва санъат бўлсин, хоҳ иқтисодиёт ёки шаҳар ҳўжалигида, курилуш ишларида ўз аксини бериб турарди. Жамоа газетани ранг-баранг мавзулар билан бойитиш, уни ўқувчилар дилига яқинроқ қилиш, иложи борича бир хилликдан қочиш мақсадида изланишдан чарчамади.

1972 йилнинг эрта баҳори ҳеч эсимдан чикмайди. «Оқшом» муҳбирларидан бири театримизга мени излаб келибди. Бу гапни эшитиб, очиги хурсанд бўлиб кетдим. Демак муҳбир келибди, у мен ҳақиқимда газетамга мақола ёзмақчи. Матбуот саҳифаларида айниқса «Оқшомда» чиқиш эса биз санъаткорларнинг бирдан бир орзуимиз.

Чиндан ҳам шундай бўлди. Кўп ўтмай, газетанинг учинчи бетига менинг театрдagi ижодий фаолиятим ҳақида каттагина мақола босилиб қик-

ди. Шундан кейин газета билан алоқа манада мустаҳкамланди. Тахририятга тез-тез келиб турадиган, шу ердаги биродарларим билан дўстона суҳбат курадиган бўлдим. Хали-ҳамон ўртаимизда бошланган ижодий мулоқот давом этиб келмоқда. Тахририят аъзоларидан Дилором Икромова, Гулчехра Дурдиева, Маҳмуд Комилжоновлар мен ишлаётган Муқимий номидаги мусикали театрдa тез-тез бўлиб туришарди. Ижодкорларимиз томонидан тайёрланган спектакллари кўриб, улар ҳақида газета орқали ўз фикр ва мулохазаларини билдиришарди.

Уйлашимча «Оқшом»нинг ютуғи ўз атрофига турли соҳа кишиларини тўплаб олганлигида. Улар Ўзбекистонимиз, хусусан, Тошкентимизда рўй бераётган барча янгиликлардан газеточиларни хабардор этиб туришарди. Масалан, санъатшунослар Ҳамидулла Акбаров кино янгиликлари, Бахриддин Насриддинов театрга ва санъаткорлар ҳақидаги мақолалари, кулгу устаси Валижон Шамшиев қизиқ-қизик хангомалари (бу рўйхатни истаганча давом

ўзингизга фойда» деб кетиб қолдилар. Ушанда ёрдамчи (подчитчик) эдим. Саҳифани топширдим. Кейин уйга бир нусхасини олиб бориб адамларга курсатдим. Улар саҳифани ўқиб ўндан ортиқ ҳар хил хатолар топибдилар. Кейин менга «эртага вақтли бориб ҳаммасини тўзатасан» дедилар. Эртасига барвақт ишга келсам газетани кечаси қолипга олиб қўйишган экан.

Солиҳ Ёқубов-саноат бўлимида ишларди. Улар навбатчи бўлганларида хўшёр бўлиб турардик. Сабаби саҳифаларни жуда синчиклаб ўқирдилар. Кейинчалик бош муҳаррир ўринбосари бўлганларида ҳам ишларни яхши йўлга қўйдилар. Хоналарига бирорта савол билан иш юзасидан неча марта кирасам ҳам бир хилда оғир-босиқ, вазминлик билан, бир текисда яхши муомала қилардилар.

Иш бор жойда хато бўлади. Хотинқизлар байрами арафаси эди. Байрам сонида хато ўтиб кетибди. Солиҳ ака хато ўтказган мусахҳиҳ қизни уришиб, танбех бердилар, роса хўноб бўлдилар. Бу орада туш пайти бўлиб ҳаммамизни табрик учун битта хонага қақиршиди. Ҳар битта аёлни биттадан эркак ходимлар табриклайди, дейишди. Солиҳ ака қўлларида қизил чиннигул билан уша хато ўтказган мусахҳиҳни табриклайдилар.

Раҳматулла Файзуллаевнинг ўрнилари бошқача эди. Улар котибиятда ишлаганларида ишни ҳам сўрардилар, ҳам бизларча акаларча ғамхўрлик қилардилар. Кейинчалик Маҳмуджон Комилжонов, Тўхтамурод Тожевлар ҳам котибиятда ишларди.

Абдуқодир Ниёзовнинг тўйига бутун жамоа йигилишиб бориб, кечаси қайтганларимиз ёдимда. Адамлар ҳар доим «ҳеч қачон жамоадан ажралиб қолмаган, бирон тадбир бўлса иштирок этгин, тартиб-интизомли бўлгин» деб айтардилар. Уткир Хошимов билан Насриддин Муҳаммадиев адабиёт бўлимининг бошқариларди. Абдулла Пўлатов билан Сирождидин Саййид ахборот бўлимида ишларди. Ҳамид Икромов ижтимоий-сиёсий бўлимининг бошқариларди. У бировга қаттиқ гапирмасди.

Бир кун бир муҳбир навбатчи ходимимиз саҳифага ўзингиз кўл қўйиб юборарсиз деб кетмоқчи бўлди. Мен рози бўлмаганимдан сўнг ўзи саҳифага тайёр бўлгунча кутиб ўтирди. Кейин билсам у киши ҳеч қачон саҳифаларни охиригача кутиб ўтирмас экан.

Уша пайтларда фельетонлар, оила, шаҳар ҳўжалиги ҳақида яхши-яхши мақолалар чиқарди. Доимий руқнларимиз хали ҳам давом этиб келмоқда. Шулардан бири «Оз-оз ўрганиб, доно бўлур» руқнига мақола олиб келувчи Шорасул Зуннун ўзлари ҳар ҳафта шу мақола чиқадиган кун келиб, битта мусахҳиҳни ёнларига олиб, ёзганларини ҳижжалаб ўқиб чиқардилар.

Аввалги саҳифалаш жараёни билан хозиргисининг фарқи ер билан осмонча. Ҳозир компьютерда санокли дақиқаларда газета саҳифаланса, аввал бунга соатлаб вақт кетарди.

Шунча йиллар мобайнида бешта бош муҳаррир, учта ўринбосар ўзгарди. Қанча одамлар ишга келиб кетишди. Мен бу ерда номлари келтирилган инсонлар — ака, опаларимдек бўлиб қолган ходимлар, дўст-ўртоқларим, ҳамкасбларимдан, номлари келтирилмаган бошқа ходимлардан ҳам миннатдорман. Шу ерга келиб иш ўргандим, ҳар хил яхши-ёмон кунларда бир-биримизга ёрдам бердик, бир-биримиздан сабоқ олдик, ўргатдик. Ҳозир икки қизни узатиб, учта неваранинг бувисиман. Уғлим институтнинг охириги босқич талабаси.

Келажақда газетамиз газеточилар эътиборидан, назаридан қолмаслигини, шу ерда ишлаб кетган инсонларнинг меҳнати зое кетмаслигини, уларга муносиб ўринбосарлар келишини, газетанинг кейинги сонлари ҳам ўқишли, мазмунли бўлишини, яхши мақолалар чиқишини истаб қоламан.

Маъфура СОДИКОВА

Ишлар, тақдирлар

«ОҚШОМ»НИНГ ЎТГАН КУНЛАРИ

ЭСДАЛИКЛАР, ХОТИРАЛАР

эттириш мумкин) билан қатнашса, олим, ёзувчи ва шоирлар қан янгиликларни, ўзларининг ижод маҳсуллари билан газеточиларни хўшунд этишарди.

«Оқшом»нинг бахти шундаки, унга ўз даврида бешта ўз касбининг усталари бўлган фидойий журналистлар муҳаррирлик қилишди. Саъдулла Кароматовдан тортиб то бугунги кунда «Оқшом»чиларни бошқариб келаётган Акмал Ақромовгача барчасини яхши биламан. Бу муҳаррирларнинг биридан бирини камситмаган ҳолда айтиш мумкинки, улар ўз даврида «Оқшом»нинг иложи борича замона руҳи, бугунги кун талабидан келиб чиқиб, унинг нуфузини ошириш йўлида қўлларидан келган хизматларини аяшмади.

Йиллар ўтаверади, «Оқшомнинг сафи янги-янги иқтидорли журналистлар билан тўлиб боради. Улар орасидан шу газетада ишлаб кетган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Уткир Хошимов, публицист Тўлқин Расулов (марҳум), Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф (марҳум), Сирождидин Саййид, Темур Убайдулло, Абдуғани Абдуллаев, Алиназар Эгамназаров сингари забардаст журналистлар етишиб чиқади.

Файзулла АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон халқ артисти.

«Тошкент оқшоми»га 1972 йил 1 июлда ишга келган эдим. Ушанда Тошкент Давлат педагогика институтини /ҳозирда университет/ педагогика-психология факультетининг 1-курсини тамомлаган эдим. Мени «Оқшом»га отам Муририддин Аъламов /охиратлари обод бўлсин/ олиб келган эдилар.

Мени дастлаб курьерликка қабул қилишди. Маълум муддат ўтгандан кейин мусахҳиҳларга ёрдамчилик қилдим. Кейин мусахҳиҳ бўлдим. Бизга Марғуба Ақромова бошчилик қиларди. Ҳўшимни кечкига кўчириб, иш билан баравар олиб бордим.

Ушанда газета саҳифаланадиган ҳефта аксарият ишлар кўлда бажариларди. Михаил Заровский, Қори ака, Тамара Михайловналар газетани саҳифалашарди. Абдуғани Абдуллаев билан Алиназар Эгамназаров котибиятда ишларди. Муҳарриримиз Саъдулла Кароматов оғир, вазмин инсон эди. Улардан ҳаммамиз тортиниб турардик, Саъдулла аканинг «Газетамга беш панжамани босган жойимдан хато топиб бераман» деган гаплари ёдимда қолган. Бир кун тажрибали мусахҳиҳ Мунира опа шошилиб саҳифаларини менга ташлаб, «ўрганганингиз

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўрганиб
Доню бўлур...

Вояга етган болалар яхши тарбия олиб, бирор қасб эғлаллаб олганларидан кейин ҳар вақт оналари олдига келганларида бир вақтлар шу онасидадан сут эмиб катта бўлганларини, унинг қучоғида парвариш топганларини ўйлаб, ҳеч қачон онага қаттиқ гапирмайдилар, юмшоқ сўзлар билан унинг кўнглини оладилар. Онанинг бир вақт ўзлари учун чеккан жафоларни кўз ўнгиларида келтириб, шу чеккан жафо ва меҳнатларини унуттиришга уринадилар, уларнинг дил розилигини олиб бир умрга шодон қиладилар.

● — Кимки шарият йўлидан четга чиқса, бадбахтлар қаторига қиради ва яхшилик кўрмайди, ҳар ким Худонинг халқи билан муроаса аяшамаса аччиқ ҳаёт кечиради, қимда муруват бўлмаса, Худойи таолонинг марҳаматидан бенасиб бўлади, кимки донолар сўзига амал қилмаса, хор бўлади, кимки бечоралар ҳолига хурсанд бўлса, ўзини бошига ҳам ўша ҳол келади.

Эй дўст, душман
Ўлимидан
шодланма,
Бу можаро сенинг
бошинга ҳам
келади.

Кимки ҳазилкаш бўлса, обрўйи тўкилади. Кимки Худонинг неъматига шукур қилмаса, ёмонларга дучор бўлади. Кимки қасамхўрликни одат қилса доимо хор бўлади.

Айтдилар: бахтиёрлик уч нарсадар: тандурустликда, мол закотини беришда ва хотиржамликда. Айтиди: Икки нарса борки ози ҳам кўпдир: биринчиси—адоват, иккинчиси—чақимчилик.

Айтиди: эр кишининг оройиши икки нарса: биринчиси—чиройли хулқда, иккинчиси—виждонда.

● Кимки чиройли от ва қимматбахо либос билан фазилат топаман деса, у жоҳилдир, тажриба бўйича отнинг отдан устунлиги, либоснинг либосдан ортиқлиги бор, бирок одам одамдан ортиқ эмас.

● Сўрардилар: нима учун одам қариган пайтда пулга очкўзроқ бўлади?

Жавоб берди: қариган пайтда дўстларга муҳтож бўлиб қолишдан қўр-қиб, мол-давлатини асрайдиган бўлади.

Айтиди: ортиқча насихат тухмат билан тенг.

● Яхшилик яхши ном келтиради, саховат эса кишини бахтиёр қилади.

● Кўр бўл, шол бўл, ном қолдир.

Яхши ном қозониш улкан бойлик топишдан афзал.

● Кўп ётадиган одамнинг умрида барака кам бўлади.

Кўп ётган оз яшайди. Кечаси шароб ичиб, кундузи ухлашдан хонумон барбод бўлади.

Тадбирда Республика ва Тошкент шаҳари Хотин-қизлар кўмиталари фаоллари, шаҳар маҳаллалари хотин-қизлар комиссияларининг раислари ва Сергели туманидаги ўрта таълим мактаблари педагогик жамоаларидан 300 нафардан ортик аёллар иштирок этишди.

Игилишни ЁХОТМ бошлиғи, юридик фанлари доктори полковник М.Собиров очиб, ушбу тадбирга асосан хотин-қизларнинг таълим олишидан асосий мақсад, сўнги пайтларда Республикада юз бераётган 70 фоиздан ортик ёшнинг аҳолиси шаш жойларида, аксарияти бевосита аёлларимизнинг эътиборсизликлари ва бепарволиклари оқибатида келиб чиқаётганлиги боис, ёшларга сабаб бўлаётган айрим ҳолатларни таҳлил қилиб, хотин-қизларимизни ҳушёрликка, огоҳликка чорлашдан иборат эканлигини таъкидлади.

Мамлакатимизда аҳоли турар-жойларида, хонадонларда ёшларнинг олдини олиш юзасидан олиб борилаётган тадбирлар тўғрисида Республика ИИВ Ёшнинг хавфсизлиги бош бошқармаси бўлим бошлиғи, подполковник Исроил Йўлдошев сўзга чиқди.

— Жойларда ёшларнинг олдини олиш, иш ва яшаш жойларида ёшнинг хав-

фсизлиги қоидаларига тўлиқ риоя этилишини таъминлаш ҳар бир кишининг инсоний бурчи бўлмоғи керак, — дейди жумладан И.Йўлдошев. — Ҳар бир оилада, хонадонда маиший электр ва газ асбоб-ускуналаридан фойдаланиш меъёрий талабларига амал

оқибатида ўт чиқиш ҳолатлари юзга келмоқда.

Бизни доимо ташвишга солиб келаётган ҳолатлардан яна бири, бу—болаларнинг шўхлиги оқибатида содир бўлаётган ёшлардир. Ана шундай салбий ҳолатлар туфайли йилнинг ўтган даври мобайнида республи-

кўргазмалари қуроллар, видеофильмлар орқали ҳаммага тушунарли тарзда олиб борилаётганлиги кўпчилик учун фойдали эканлигини қайд этди.

Тадбирда шунингдек, шаҳримизнинг Учтепа тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Азиза Гиёсова сўзга чиқиб, ушбу йиғилишда иштирок этаётган хотин-қизларнинг бу ерда айтилган фикр-мулоҳазалардан тегишли хулоса чиқариб, Республикада давом этаётган «Ёшнинг хавфсизлиги ойлиги»да фаол иштирок этишларига ишонч билдирди. «Ўзгариш» маҳалласи хотин-қизлар комиссиясининг раиси Дилором Ғаниева ва бошқалар эса, аёллар ва болалар айби билан содир этилаётган ёшларнинг олдини олиш борасида ўз фикр ва мулоҳазаларини баён этдилар.

Тадбир якунида мактаб стадионида олий техник мактаб ходимларининг ўт ўчириш амалий спорти, қаратв ва қўл жанги бўйича кўргазмалари чиқишлари ҳамда Тошкент гарнизоининг ёшнинг хавфсизлиги хизматининг замонавий ёшнинг ўчириш техникалари намойиш этилди.

Зикрилла НЕЪМАТОВ, Ёшнинг хавфсизлиги олий техника мактаби ходими, подполковник Дилмурод ИСМОИЛОВ

Ёшнинг хавфсизлиги ойлиги

БЕПАРВО ВА ЭЪТИБОРСИЗ БЎЛМАЙЛИК

Маълумки, Вазирил Маҳкамасининг 2005 йил 2 ноябрдаги фармойишига асосан мамлакатимиз микёсида Ёшнинг хавфсизлиги ойлиги ўтказилмоқда. Шу муносабат билан республика ИИВ Ёшнинг хавфсизлиги олий техник мактабида республика ИИВ ЁХББ, Республика Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон телерадиокомпанияси ҳамда Республика «Маҳалла» жамғармаси ҳамкорлигида очик мукот ўтказилди.

қилинмаса, ёшнинг чиқиши, бундан эса давлат ва жамият, қолаверса, хонадон эгалари катта моддий зарар кўришлари мумкинлигини ҳаммангиз яхши биласиз. Афсуски, шу кунгача жойларда рўй берган ёшнинг офатларининг сабаблари таҳлилларидан келиб чиққан ҳолда шунга айтиш лозимки, ҳали кўпгина аёлларимизнинг ёшнинг хавфсизлиги қоидаларини яхши билмасликлари, уларнинг газ плитаси, иситиш ва ёритиш мосламаларидан ҳамда бошқа маиший ускуналардан нотўғри фойдаланишлари, шунингдек, айрим ҳолатларда эътиборсизликлари

камизда 2025 та ёшнинг содир бўлиб, фуқароларга 60 миллион сўмликка яқин моддий зарар етказилган. Энг ачинарлиси, ушбу ёшларда 44 нафар бола турли даражадаги куйиш тан жароҳати олган бўлса, 8 нафари ҳаётдан бевақт кўз юмган. Келтирилган бу рақамлар устидан айрим ёш болалари аёлларимиз ўйлаб кўриши, фойдадан ҳоли бўлмас эди.

Йиғилишда Республика «Маҳалла» жамғармаси раиси ўринбосари Садриддин Ҳасанов сўзга чиқиб, шаҳримизнинг уч юздан ортик хотин-қизларини йиғиб тарғибот-ташвиқот ишларининг ёшлар таҳлили,

ЛАТИФАЛАР

Бир чолғучи ўртоғига мактанди:
— Қалай, рубобни зўр чаларканманми?
— Тушунмадим. Мен рубобни созлаганман, деб ўйладим.

Университет ўқитувчиси пора бераётган отадан сўради:

— Йигитдан ҳам бирон нима борми?
— Йўқ, домла, бори шу.

Дасткор бадавлат кишининг кизига кўшиқ айтишни машқ қилдираяпти:

— Менга қара, баланд овоз эшакда ҳам бор!
— Нима!!! Сиз менинг овозимни эшакнинг овозига ўхшатдингизми? Дадамга айтиб бераман!

— Йўқ, сен эшакка ўхшамайсан, чунки эшак ханграганда асабим бузилмайдми.

Почта қутисини очаркан, йигитнинг нигоҳи бир қоғозга тушди. Олиб ўқиса «Яқшанба куни етиб бораман. Қайнонанг».

У шошиб уйига кириб чақирди:

— Хотин! Ҳув хотин!
— Ҳа, дадаси, нима гап?

— Яқшанба куни тоғ сайрига чиқайлик деганмидинг?

«Жой йўқ» дея йўловчиларни жерик бераётган поезд вагон назоратчиси олдига бир гўзал киз келди:

— Акажон, жой борми?
— Бор, албатта бор! Марҳамат.

Назоратчи ўзининг жойини кўрсатди. Қиз эса орқасига ўгирилиб, бир семиз хотинга деди:
— Мана, холажон яхшилаб ўрнашиб олинг, Оқ йўл сизга!

Босинқираб уйғониб кетган эркакдан хотини сўради:

— Ҳа, дадаси, тинчликми?

— Тушимда сен билан машинада шаҳар айлангани чиқибмиз. Мен сени машинада қолдириб магазинга кирсам, бир йигит машинага ўтириб сени олиб қочиб кетганмиш.

— Вой! Дадаси, мендан айрилиб қолганингиз учун шунчалик кўрқдингизми?

— Ҳозир! Машинага бир қараб келай.

— Шундай ўғрилар борки, уларга нисбатан қонуний жазо йўқ!

— Нега ундай дейсиз, дадаси? Ҳамма ўғриларга қарши қонун бор.

— Эрининг чўнтагини ўмарадиганларгачи!!!

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ЙЎЛОВЧИЛАР ТАШИШ БЎЙИЧА ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ БАРЧА ДАВЛАТ, ХУСУСИЙ, ИЖАРА ВА ШИРКАТ ТАШКИЛОТЛАР, ШУНИНГДЕК, ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

1. «Тошкент шаҳрида йўловчилар ташишни ташкил этиш комиссияси» томонидан 2006 йил 12 январда Тошкент шаҳрида йўловчилар ташиш транспортда хизмат кўрсатиш учун, шартномалар тузиш ҳуқуқини олиш учун Тошкент шаҳри, Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-ўй манзили бўйича **ОЧИҚ ТЕНДЕР ЎТКАЗИЛАДИ**
2. Очик тендерда мулкчилик шаклларида қатъи назар, Тошкент шаҳри ҳудудида рўйхатга олинган, шаҳарда йўловчилар ташиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган ҳар қандай юридик ва жисмоний шахс қатнашиши мумкин.
3. Очик тендерга йўналишларнинг қуйидаги пакети қўйилади:

Ўтказиш санаси	Йўналишлар рақами	Йўналишлар номи	Йўналишда талабдаги транспорт
2006 йил 12 январ	1	Олий бозори — Аэропорт	мўъжаз автобус
	39	Сергели-7 мавзеси — Янгибод бозори	мўъжаз автобус
	75	Кўйлик м-2 — Маҳкам ота чойхонаси	мўъжаз автобус
	111	Кўйлик 5-мавзеси — Ғалабининг 40 йиллиги	мўъжаз автобус
	146	М.Юсуф кўчаси — ГЭС (Қодирия кўч. 74)	мўъжаз автобус
	149	Чилонзор 25-даҳаси — Эркин қўргони	мўъжаз автобус
	157	Шахристон АШБ — Консерва заводи	мўъжаз автобус
	159	Кўйлик АШБ — Намуна маҳалласи	мўъжаз автобус
	171	«Файзобон» маҳалласи — Кўйлик бозори	мўъжаз автобус
	175	Кўйлик м-2 — «Жалоир» маҳалласи	мўъжаз автобус
	7М	Уйғур кўчаси — Яланғоч мавзеси	мўъжаз автобус
	11М	Тошкент вокзали — Чилонзор 20-даҳаси	мўъжаз автобус
	12М	Чилонзор 30-даҳаси — «Чорсу» савдо маркази	мўъжаз автобус
	78	Қорақамиш 2/4 — Мустақиллик	автобус
	120	«Мажнунтол» маҳалласи — Амур Темур АШБ	автобус

4. Очик тендерда қатнашишни хоҳловчилар «Тошкент шаҳар транспортининг барча турлари фаолиятини мувофиқлаштириш Маркази»га тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент шаҳри, Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-ўй, 612, 616-хоналар манзили бўйича 12 декабрдан бошлаб 11 январ соат 16:00 гача бюртманомна бериши керак ва тендер ҳужжатлари пакетининг қийматини ва Тошкент шаҳрида транспорт инфратузилмасининг ягона ахборот-таҳлилий маълумотлар базасини яратиш учун бир марталик бадал қийматини шартнома асосида тўлаш керак.

Бюртманомнада Тошкент шаҳрида йўловчилар ташиш ҳуқуқини берувчи лицензия мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилиши керак.

5. Тендер таклифларини топшириш муддати 2006 йил 11 январгача. Тендер таклифлари топширилгандан сўнг қатнашчилар уларга бирон-бир тузатиш киритиш ҳуқуқига эга бўлмайдилар.

6. Йўналишларда йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатиш юзасидан тендер қолиби билан шартнома камида 6 ойга тузилади.

Шартнома талаблари бўйича барча бандларига ташувчи томонидан риоя қилинган ҳолларда шартноманинг амал қилиш муддати узайтирилиши мумкин.

Маълумотлар олиш учун қуйидаги телефонларга мурожаат этинг: 133-38-89, 133-54-77

Футбол

**ЮБИЛЕЙ
ТАРАДДУДИ**

Кириб келаётган 2006 йил футбол ишқибозларига ажойиб учрашувларни, қизиқарли тантаналарни тухфа этиши шубҳасиз. Чунки келаси йилда ўзбек ишқибозининг қалбидан чуқур ўрин олган, унинг дардига, қувончига айланаб улгурган, ўзбек футболни доврўғини оламага ёйган сеvimли жамоамиз «Пахтакор»нинг 50 йиллик тантаналари нишонланади.

Шуни қувонч билан таъкидлаш жоизки, «Пахтакор» клуби раҳбарияти юбилей тантаналарини муносиб ўтказиш мақсадида тайёргарликни аллақачон бошлаб юборган. «Пахтакор» клуби ташкил этилганлигининг 50 йиллик тантаналари апрель ойида нишонланади. Ушбу тадбирга собиқ итифок миқсидидаги футбол юлдузлари таклиф этилади. «Пахтакор» факрийлари, хозирги жамоа ҳамда хориждан таширф буюрадиган клублар иштирокида уюштирилаётган ўртоқлик учрашувлари эса барча мухлислару мутахассисларни ҳўшнўд этиши табиий. Шунингдек, клуб ташаббуси билан «Пахтакор» жамоасининг ташкил топганидан то бугунги кунгача босиб ўтган йўли ҳақида ҳикоя қилувчи китоб ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Бундан ташқари ўзбек киноси ижодкорлари «Пахтакор» юбилейга армуғон сифатида фильм олишни режалаштиришган. Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, «Пахтакор» юбилейи ажойиб байрам сифатида кўп йиллар ёдимизда қолади.

**«ТРАКТОР» САФИДА
ЎЗГАРИШ
БЎЛАДИМИ?**

Жорий йилги мавсумни тўртинчи ўрнида якунлаб ўз мухлисларини қувонтирган «Трактор» жамоаси аъзолари янги чемпионатга тайёргарликни 19 декабрдан бошлашни ният қилиб туришибди.

Январ ойида эса Вадим Абрамов бош мураббийлигидаги «Трактор» жамоаси футболчилари ўқув-йўғин машғулотларини ўтказиш мақсадида БААга жўнаб кетишади. Дарвоқе, мамлакат чемпиони «Пахтакор» жамоаси селекционерлари «Трактор»нинг умидли ёш футболчилари бўлиши Темури Айзатулов, Иброҳим Раҳимов, Алексей Кликунов ва Илҳом Мўминжоновлар билан жиддий музокаралар олиб боришмоқда. Янги мавсумда «Трактор» таркибиди ўзгариш бўладими ёки йўқми, буни вақт кўрсатади.

**ХАЛҚАРО СЕМИНАР
ЯКУНИГА ЕТДИ**

Куни кеча Украина пойтахти Киев шаҳрида ФИФАнинг молиявий кўмаги ва тараққиёт дастури бўйича ҳудудий уюшмалар вакиллари иштирокида уюштирилган халқаро семинар ниҳоясига етди.

Шуниси қувонарлики, Қирғизистон, Қозғистон, Туркменистон, Тожикистон, Арманистон, Озарбойжон, Россия, Белорусия, Молдова, Эстония, Латвия, Литва ва Украина Республикалари футболни мутасаддиқлари таширф буюрган ушбу нуфузли анжуманда Ўзбекистон футбол федерацияси бош котиби Сардор Раҳматуллаев ҳам иштирок этди. Футболни янада ривожлантириш истиқболлари ҳамда федерациялар ўртасидидаги халқаро ҳамкорликни яхшилаш мақсадида ташкил этилган ушбу анжуманда келгусида баъжарилуши лозим бўлган вазифалар ҳам муҳокама қилинди.

(Ўз мухбиримиз)

Газетанинг навбатдаги сони 14 декабрда чиқади.



Муассис:
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

**Бош муҳаррир
Акмали АҚРОМОВ**

Манзиллари: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 136-57-65,
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
2495 нускада босилади. Қозғ бичими А-3


Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кўнлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимадаги «Тошкент почтанига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишни эътиборингизга олинг.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрий-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.



Самбо

**ШАҲРИМИЗ САМБОЧИЛАРИ
БИРИНЧИ ЎРИНДА**

Шаҳримиздаги «Жар» спорт-соғломлаштириш марказида икки кун давомида халқаро тоифадаги спорт усталари Сосо Гонадзе ва Рифкат Ризвановлар хотирасига бағишланган халқаро турнир бeллашувлари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон самбо федерацияси ҳамда Ўзбекистондаги Грузия маданият маркази ҳамкорлигида ташкил этилган нуфузли мусобақаларда мамлакатимизнинг турли вилоятлари ҳамда кўшни Тожикистондан таширф буюрган 19 та жамоага бирлашган 228 нафар самбо усталари галаба учун кураш олиб борди.

Мусобақа давомида ажойиб тарзда ижро этилган кўлаб техник усуллар, чиройли ўқотиришлар соҳибларини мухлислар олқишлар ила кўлаб-қувватлаб туришди.

Ниҳоят, ҳал қилувчи финал баҳсларидан

сўнг нуфузли халқаро-турнири голиблари аниқланди.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, 48 килограммгача бўлган энг енгил вазнда шаҳримизнинг «Динамо» жамияти вакили Шербек Рўзиев галаба крўзган бўлса, пойтахтлик самбочилар жамоадўшларининг муваффақиятини яна учта вазнда тақрорлаб, ўз бой техник-тактик маҳоратларини намойён этишди. Жумладан, 52 килограммгача самбочилар ўртасида Қўлош Йўлдошев, 65 килограммгача ва 87 килограммдан ортик вазндаги баҳсларда Ориф Ҳасанов ҳамда Баҳодир Фуломовлар (ҳаммаси



«Динамо» жамияти вакиллари) ҳурмат шоҳ-қўласининг энг юқори поғонасидан жой олишди.

Жиззахлик самбо усталари ҳам турнирда ўзларининг бой маҳоратларини кўрсатганлари ҳолда тўртта олтин нишоннинг соҳибларига айланушди. Яъни, 70,75.81 ва 87 килограммгача бўлган вазн тоифаларида жилзахлик Яёб Имомов, Жаҳонгир Шерматов, Воҳид Тошев, Болтабой Болтаевлар зафар кўчишди.

Самарқандлик ва бухоролик самбочиларга эса биттадан олтин медал насиб этди. 45 килограммгача бўлган энг енгил вазнда тожикистонлик Зокировга тенг келадиганлар топилмади.

Барча голиб ва совриндорлар медаллар, дипломлар ҳамда кимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Умумжамоа ҳисобида шаҳримиз самбочилари биринчи ўринни эгаллашди.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТЛАРДА: халқаро турнирнинг лавҳалар.

Алексей Попов олган суратлар

Мунажжим башорати

**ТАВАККАЛЧИЛИККА ЙЎЛ
КЎЙМАНГ**

13 ДЕКАБРЬ, СЕШАНБА

Мунажжимларимиз бугун таваккалчилик қилмай, саломатлигинизни асрашни, ҳамма нарсида эҳтиёткорликни маслаҳат беришади. Кўёш тақвими бўйича бугунги кун рамзи овқатга зўр бериш ва спиртли ичимликларни суиистеъмол қилиш хунук оқибатларга олиб келишдан оғохлантирилади.

Мунажжим С. Ильячев талқинига кўра, бугун таваллуд топган инсонлар серҳаракат, эрксевар кишилар бўлишади. Улар ҳаётида турғунлик, барқарорлик кам бўлиб, ҳаммаша ўзгаришлар ва жой алмаштириш гирдобиди янашади. Бирмунча вақт зерикарли ва бир хил тарзда умр кечирган бу инсонларнинг бирданича омадлари юришиб, кўп нарсига эришишлари, ҳаётлари бутунлай ўзгариб кетиши мумкин.

Мунажжим М. Смирнова бугунги кунни қутилмаган ўзгаришлар юз берадиган кун сифатида тавсифлаган. Кунни режали ўтказишга, қатъий кўрсатмаларга амал қилишга интилишни ҳожати йўқ, дейди у, бугун ҳамма нарсга тескариси бўлиб чиқши мумкин. Турли алоқаларни ўрнатиш, янги танишувлар хайрли бўлади, қутилмаган таклифлар ва янги ижтимоий имкониятлар тақдим этилиши мумкин.

Маълумки, бир хил ҳайвонлар тез ривожланиб эрта вояга етади ва урчий бошлайди. Шу тариқа кўп миқдорда насл қолдиради, бошқалари секин ўсади ва кеч жинсий вояга етади ва уларнинг боласи кўп бўлмайди. Ҳўш, бундай ҳар хил насл бериш тасандифми ёки маълум қоидага асосланганим, деган саволнинг туғилиши табиий.

Табиаат ажойиботлари

**ЯШАШ ШАРОИТИГА
БОҒЛИҚ**

Масалан, ит билан бўри яқин қариндош, улар кўп жиҳатлари билан бир-бирига ўхшади. Бироқ ит бўрига қараганда серпушт ҳисобланади. Ит бир йилда 12 та бола туғса, бўрининг боласи олтидан ошмайди. Худди шунга ўхшаш ҳодисани ўйлаш билан ёввойи мушук, хонаки чўчка билан ёввойи кўчкани солиштиришда қириш мумкин. Бунинг сабаби жуда оддий, яъни ўй ҳайвонлари инсон қарамонига бўлади. Бинобарин, улар ўз вақтида ва маромида озикланади, бу эса яхши насл қолдириши чорасидир.

Кўпайишнинг яна бир қоидаси мавжуд. Организм ўзини иситиш ва ишлатилган энергиянинг ўрнини тўлдирishi учун қанчаллик кўп қувват сарф қилса, тухум қўйиш ёки бола туғиш учун шунчалик материал кам қолади. Бошқача қилиб айтганда, қайси ҳайвон организмни қанчалик кўп энергия йўқотса унинг боласи шунчалик кам бўлади. Фараз қилайлик, маълум бир ҳайвон жуда яхши озикланади, лекин бирон бир иш бажармайди, бинобарин, бу жонивор кўп насл бериши керак. Масалан, матка асаларини ёшлагидан яхши боқишади, у малика бўлган, ишчи арилар уни бетиним равишда озукабол овқатлар билан таъминлаб туришади. Малика ари очофат ҳисобланади. У ўнчача ари озукасини ейди ва ҳечқандай омаш бажармайди. Унинг вазифаси фақат тухум қўйишдан иборат — маликалар ҳар кун 4 миңг донга тухум қўяди.

Ҳамма гап ҳайвоннинг яшаш шароитига, унинг озукаланиши даражасига ва озуканинг сифатига боғлиқ. Масалан, ишчи асалари уруғини ширали ва тўйимли озуқалар билан ўз вақтида боқилса у ҳам матка асаларига айланади ва аксичча, малика арининг яшаш шароити ёмон бўлса, у яхши боқилмаса ишчи арига айланади.

Яёб ДАВЛТОВ,
биология фанлари доктори

«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ» РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ

To'xtent Davlat cirki 2005 йил 28 декабрдан бошлаб 2006 йил 10 январга ҳагар

БОЛАЖОНЛАР, СИЗААР ҲУҶУБ!

Матбаа ўқувчиларининг қизиқ таътилли йўналишга

To'xtent cirki мансабига

**«КЎВНОК САЁҲАТ ЁКИ ЯЛМОҒИЗ КАМПИР ҚАРШИ»
ЭРТАК-САРГУЗАШТИ**

Томошалар: 28, 29, 30, 31 декабрдан соат 12.00, 14.00, 16.00 да; 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10 январдан соат 10.00, 12.00, 14.00 ва 16.00 да болаёнади. Чилтак цирк кассаларида ва туман кассирлари томонидан сотилмоқда.

Ҳақ турли шаклда тўлаиши мумкин.

Касса эрталабки соат 9.00 дан ишлайди.

Маълумотлар учун телефонлар: 144-35-91, 144-29-04, 144-32-23.

Тошкент вилояти, Юқори Чирчик туманида жойлашган «AL BAROKAT» фермер ҳўжалиги наслиқлик заводи ўз фаолиятини тугатади. Давъолар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомида Юқори Чирчик тумани, «Гулистон» корпорацияси манзили бўйича қабул қилинади.